



ИНГИЧКА ТОЛА ҒЎЗА
ТОНКОЕ ВОЛОКНО ИЛИ ХЛОПЧАТНИК ЮГА
FINE FIBER OR SOUTHERN COTTON-PLANT

АСҚАРОВ ХУСАНБОЙ ОХУНЖОН ЎҒЛИ
МУХАММАДАЛИЕВ ЖЎРАХЎЖА АХМАДАЛИ ЎҒЛИ
КАРИМБОЕВ САРВАРБЕК АНВАРБЕК ЎҒЛИ
ТДАУ талабалари

Аннотация: Ингичка толали ғўза навлари кўрғокчиликка чидамли бўлиши билан бирга сувга ҳам талабчан экин ҳисобланади. Сув ўсимликлар ҳаётидаги асосий элемент ҳисобланиб, уларнинг ўсиши ривожланиши ва бошқа физиологик жараёнлар фақат сув билан таъминлангандагина фаол босқичда бўлади. Бу жараён ҳар хил тупроқларда турлича кечади. Ушбу мақолада Республикамизнинг жанубий минтақаларида 2020 йил ҳосилидан бошлаб ингичка толали ғўза навларини жойлаштирилганлигини эътиборга олиб, Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда дастлабки агротехник тадбирлар, суғориш, ўғитлаш меъёрларини бир кўсак пахтасини вазни ва ҳосилдорликка таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Аннотация

Аннотация: Тонковолокнистые сорта хлопчатника, наряду с устойчивостью к засухе, также считаются требовательными к водному режиму. Вода является основным элементом в жизни растений, их рост, развитие и другие физиологические процессы могут находиться в активном состоянии только при обеспечении водой. Эти процессы по-разному протекают на различных почвах. В данной статье приводятся сведения по влиянию первичных агротехнических мероприятий, норм



орошения и внесения удобрений на массу одной коробочки и урожайность в условиях такыровидных почв, переходящих в луговые, Кашкадарьинской области с учётом размещения тонковолокнистых сортов хлопчатника начиная с урожая 2020 года в южных регионах нашей республики.

Annotation

Although fine fiber cotton varieties are resistant to water shortage condition, at the same time that kind of varieties require a lot of moisture in a soil. The water is the main element of vegetation of anyone plant, especially in a cotton growing, where development, physiological processes are depending of water providing. These processes take place in different ways on different soils. This article illustrates information on the impact of primary agrotechnical measures, irrigation and fertilization rates influencing on the weight of one boll and yield under rough soil turning into meadow soil of the Kashkadarya region, taking into account the placement of fine-fiber varieties of cotton with inception from the 2020 harvest in the southern regions of our republic.

Калит сўзлар: Жанубий минтақа, ингичка тола, ғўза навлари, ўсиш- ривожланиш, суғориш, ўғитлаш, кўчат сони, бир кўсак пахта вазни, ҳосилдорлик.

Ключевые слова: Южная зона, тонкое волокно, сортов хлопчатника, рост развития, орошения, удобрять, количество саженцев, вес хлопка в одной коробочке, урожайность.

Key words: Southern zone, fine fiber, cotton varieties, growth of development, irrigation, fertilize, number of seedlings, weight of cotton in one box, yield.

Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган ҳосил етиштиришнинг сир-асрори



парваришланаётган экиннинг биологик ва физиологик хусусиятларига мос бўлган агротехник тадбирларни ўз вақтида оғишмасдан амалга оширишдан иборат. Мамлакатни иқтисодий барқарорлигини таъминлашда барча соҳалар каби қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам туб ислоҳатлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги “Ингичка толали пахта етиштиришни самарали ташкил қилиш, янги навларни кўпайтириш ва рағбатлантириш механизмини жорий этиш тўғрисида” ги 47-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда Сурхондарё вилоятида 40000 гектар майдонга ингичка толали ғўза навларини илмий асосланган ҳолда жойлаштириш белгиланган бўлса, Қашқадарё вилоятида 6500 гектар, Бухоро вилоятида 5000 гектар, Навоий вилоятида 1000 гектар майдонга ингичка толали ғўза навларини жойлаштириш ва кенг ишлаб чиқариш синовларини олиб бориш вазифаси юклатилди[1]. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда олимларимиз томонидан яратилган давлат реестрига киритилган ва истиқболли нав сифатида қабул қилинган ингичка толали ғўза навларини парваришлаш агротехнологияларини ишлаб чиқиш билан бирга кенг миқёсда жорий этиш бўйича илмий изланишларни жадаллик билан олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, Давлат илмий техник дастурлари доирасида ПСУЕАИТИда 2018-2020 йилларга мўлжалланган ҚХ-А-ҚХ-2018-153 лойиҳаси доирасида жанубий минтақа Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида ингичка толали ғўза навлари агротехникаси йўналишида тадқиқотлар ўтказилмоқда. Лойиҳаси доирасида ингичка толали Қашқадарё-5 (назорат), Иолотан-14, Сурхон-104ғўза навлари ўрганилиб, тажриба 17 та вариантда, 3 та такрорланишда, битта ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир делянка 8 қатордан, қатор оралиғи 90 см, бир делянка умумий майдони 720 м², шундан ҳисоб майдони 360 м² ни, ЧДНСга нисбатан икки хил 65-



65-60 %; 70-75-65 % суғориш олди тупроқ намлигида, икки хил маъдан ўғитлар меъёрларида N-200, P-140, K-100, N-250, P-175, K-125 кг/га, 2 хил кўчат қалинлигида 110-120, 130-140 минг туп/га меъёрда, 90 см экиш схемасида экилиб, тегишли маълумотлар олинди.

Ингичка толали ғўзани парваришлашда энг аввало чигит экиш ишларини тўғри ташкил қилиш лозим. Бунда экилган уруғни тўла ва соғлом ундириб олиш учун ерни яхшилаб тайёрлаш, тупроқдаги ҳарорат 12-14 градус, туксизлантирилган чигитда 14-15 градус бўлиб, тупроқни устки қатлами яхши қизиганда бошланса, чигит униб чиқиши тезлашиб, ғўза ниҳоллари 7-8 кунда қатор бўла бошлайди. Чигитни экишдан олдин ивителиб, яхшилаб димланади. Тупроқда намлик юқори бўлса, туксизлантирилган чигитни ивитмасдан экиш мақсадга мувофиқ бўлади. Об-ҳаво шароити ноқулай ва айниқса баҳор совуқ ҳамда намгарчилик ёки кучли жала ёғиши натижасида ҳосил бўлган қатқалоқ тез муддатда бартараф этилмаса унувчанлик кескин пасайиб, тупроқ остидаги чигитни чириб кетиш эҳтимоли юқори бўлади. Бу эса албатта чигитни қайта экилиш натижасида экиш муддатини кечикишига, ҳосилдорликни пасайишига олиб келади. Тадқиқотларимизда ингичка толали ғўза навларининг униб чиқиш динамикаси амал даври бошида ўрганилганда, назорат Қашқадарё-5 ғўза навида чигитларнинг дала унувчанлиги 81,1 % ни, Иолотан-14 ғўза навида 82,8-85,0 % ни, Сурхон-104 ғўза навида эса 75,6-80,0 % ни ташкил этиб, энг юқори дала унувчанлиги Иолотан-14 ғўза навида кузатилди.

Ягоналаш тадбирибарча қишлоқ хўжалиги экинлари сингари ингичка толали ғўза навларида ҳам ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамиятга эга. Республикада яратилган истикболли, давлат реестрига кирган ингичка толали ғўза навларининг ҳосил шохлари чекланган “нол” типга мансуб бўлганлиги сабабли ушбу навларда гектарига 140-150 минг тупгача кўчатни ошириш мумкин. Агарда баъзи сабабларга кўра кўчат



сийраклашиб кетганда ушбу майдонларда кўсақлар секин очилади ва ҳосилдорлик 10-15 фоизга камайиб кетиши кўп йиллик тажрибаларда исботланган.

Вўза ниҳоллари қийғос униб чиққандан сўнг биринчи ягоналаш тадбирини бошлаш керак. Чигит қалин экилган далаларда бу тадбирни кечиктириб бўлмаиди, чунки ўза туплари бир-бирини илдиз тизимини зарарлаб, уларни ташқи муҳит омилларига бардошлилигини пасайтиради. Вўзани ягона қилганда биринчи навбатда синган, нимжон, касалланган кўчатлар юлиб олиниб, фартукка солиб дала ташқарисига чиқариб ташлаш, иложи бўлса кўмиб ташлаш даркор. Иккинчи ягоналаш тадбири 15-20 кун ўтгандан кейин далани ҳолати текширилиб, янги униб чиққан ниҳолларни юлиб ташлаш лозим. Лойиҳа доирасида барча вариант ва қайтариқларда тажриба тизимига мос равишда кўча қолдириб ягона қилинди. Ўтказилаган тадқиқотларда амал даври бошидагига нисбатан амал даври охирида вариант ва қайтариқлар бўйича кўчат қалинлиги вегетация даври давомида ўтказилган агротадбирлар натижасида камайганлиги аниқланди. Бунда ўрганилган ўза навларининг кўчат қалинлиги амал даври боши ва охирида ҳисобий қаторлардаги барча кўчатларни санаш йўли билан аниқланиб, амал даври охирида Йолотан-14 ўза навида кўчат қалинлиги 119,6-132,1 минг туп/га ни ташкил этиб, амал даври бошига нисбатан амал даври охирида турли агротадбирлар натижасида 1-2 минг туп/га ўсимликлар камайганлиги кузатилди. Сурхон-104 ўза навида эса амал даври бошида кўчат қалинлиги 121,1-133,6 минг туп/га атрофида амал даври охирида эса 119,7-131,7 минг туп/га атрофида бўлиши кузатилди.

Бундан ташқари охириги йилларда баҳорнинг салқин келиши натижасида қирқиб, кемирувчи ҳашоратлар учун қулай шароит туғилмоқда. Улардан бири кузги тунлам (кўк қурт тунлами) қуртлик даврида ўзанинг ёш ниҳолларини илдиз бўғзидан қирқиб зарар



келтирмоқда. Кузги тунлам куртлик даврида қишлаб ҳаттоки -11 градусда ҳам бардош бера олади ва у асосан кечаси озикланишга чиқиб, мавсумда 2-3 марта авлод беради. Кемирувчи ва сўрувчи ҳашоратларга қарши курашда ғўзанинг ташқи муҳитга нисбатан чидамлилигини ошириш яъни, ягоналашни муддатида ўтказиш, қатор ораларига пешма-пеш ишлаш, азотли ўғитлар билан озиклантириш, Карбомид 46 %(мочевина) билан гектарига 5-7 килограмм меъёрида 2 мартаба суспензия қилиш ҳамда кимёвий кураш (Dalate-плюс 200 мл/га, Abamektin 300 мл/га) чораларини қўллаш яхши самара беради.

Минерал ўғитлар тупроқнинг озика моддалар билан таъминланганлик даражасини эътиборга олган ҳолда табақалаштириб қўлланилди. Бунда фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 70 фоизи кузги шудгор олдидан, қолган 30 фоизи гуллашда, калийли ўғитлар йиллик меъёрининг 50 фоизи кузги шудгор олдидан, қолган 50 % меъёри ғўзанинг шоналаш фазасида, азотли минерал ўғитлар йиллик меъёрининг 25 фоизи 2-4 чинбарг даврида, қолган қисми тенг меъёрларда шоналаш фазаси ва гуллаш фазаси бошланишида қўлланилди.

Ингичка толали ғўза навлари кўрғокчиликка чидамли бўлиши билан бирга сувга ҳам талабчан экин ҳисобланади. Сув ўсимликлар ҳаётидаги асосий элемент ҳисобланиб, уларнинг ўсиши ривожланиши ва бошқа физиологик жараёнлар фақат сув билан таъминлангандагина фаол босқичда бўлади. Бу жараён ҳар хил тупроқларда турлича кечади. Тупроқнинг нам тўплаши енгил тупроқларда тез, оғир тупроқларда секин давом этади. Пахта даласидан сарф бўладиган сув кўпгина омилларга, жумладан илдиз жойлашган қатламдаги намлик миқдорига, сув сарфи эса суғоришнинг тез-тез қайтарилишига, тупроқдаги нам захираси, об-ҳаво шароити ва ўсимликларнинг тупроқдаги озика моддалар (NPK) билан таъминланганлиги ҳамда парваришlash агротадбирлари тизимининг муддатида, сифатли ўтказиш даражасига ҳам боғлиқ. Ингичка толали ғўза



навларини суғориш бўйича олиб борилган тадқиқотларимизда ғўза навлари 2 хил яъни, 65-65-60 ва 70-75-65 % суғориш олди тупроқ намликларида суғоришлар амалга оширилди. ЧДНСга нисбатан 65-65-60 % суғориш олди тупроқ намлигида 4 маротаба 1-2-1 тизимда, гуллашгача 888,8 м³/га, гуллаш-ҳосил тўплаш фазасида 1146,8-1131,8 м³/га, пишиш фазасида 952,2 м³/га меъёрда суғорилиб, суғориш давомийлиги гуллашгача 18 соатни, гуллаш-ҳосил тўплаш фазасида 23 соатни, пишиш фазасида 19 соатни, суғоришлар ораси 21-23 кунни ташкил этди. ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % суғориш олди тупроқ намлигида 5 маротаба 1-3-1 тизимда, гуллашгача 780,4 м³/га, гуллаш-ҳосил тўплаш фазасида 860,4-872,4 м³/га, пишиш фазасида 887,5 м³/га меъёрда суғорилиб, суғориш давомийлиги гуллашгача 16 соатни, гуллаш-ҳосил тўплаш фазасида 17-18 соатни, пишиш фазасида 17 соатни, суғоришлар ораси 18-19 кунни ташкил этди. Бир центнер пахта ҳосили етиштириш учун кетган мавсумий сув сарфи 2018 йилда вариантлар бўйича 110,1-150,9 м³/ц, 2019 йилда 92,7-154,1 м³/ц, 2020 йилда эса 102,2-145,1 м³/цгача кетганлиги аниқланди.

Мавсум давомида ўтказилаган барча агротехник тадбирлар натижаларига кўра, бир дона кўсакдаги пахта вазни кўрсаткичлари, назорат Қашқадарё-5 ғўза навида теримлар бўйича ўртача 2,8 г ни ташкил этди. Иолотан-14 ғўза нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60 %, минерал ўғит меъёрлари N-250, P-175, K -125 кг/га, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га қўлланилганда теримлар бўйича ўртача 2,8 гамми, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 %, минерал ўғит меъёрлари N-250, P-175, K -125 кг/га, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га қўлланилганда теримлар бўйича ўртача 3,0 г ни ташкил этиб, суғориш тартибларининг оширилиши билан бир дона кўсакдаги пахта вазни 0,2 граммга юқори бўлиши кузатилди. Сурхон-104 ғўза навида энг юқори бир дона кўсакдаги пахта вазни



кўрсаткичлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 %, минерал ўғит меъёрлари N-250, P-175, K -125 кг/га, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га қўлланилганда теримлар бўйича ўртача 3,2 г ни ташкил этди.

Ҳосилдорлик борасида олинган маълумотларда ўрганилган ингичка толали ғўза навлари юқори суғориш тартиби яъни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % ва минерал ўғит меъёрлари N-250, P-175, K-125 кг/га қўлланилганда ҳосилдорликнинг юқори бўлганлиги кузатилиб, ўртача уч йилда Иолотан-14 ғўза навида 37,1 ц/га ни, Сурхон-104 ғўза навида 42,2 ц/га ни ташкил этганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида ингичка толали ғўза навларини тавсияларга амал қилган ҳолда парваришланганда юқори ҳосил олиш кафолатланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги “Ингичка толали пахта етиштиришни самарали ташкил қилиш, янги навларни кўпайтириш ва рағбатлантириш механизмини жорий этиш тўғрисида” ги 47-сонли қарори.
2. Тўраев Р.А., Тўраев А. Қарши чўли бўз тупроқларида такрорий ғалладан кейин экилган ғўза навларининг сув-озиқа тартиби. «Пахтачилик ва Дончилик» журнали. - Тошкент, 1999., 4-сон, - б. 28-30.
3. Karimov A. Kh., Avliyakov M. A., Abdurakhmanov B., Anarbekov O., Mukhammedova N. Improving water use efficiency of dry land systems with high potential for intensification (Fergana Action Site). CRP 1.1. “Dryland Systems in Central Asia” Program IWMI Report, 2014. 1-53.
4. <http://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev-erga-me-r-bergan-inson-boy-b-lishi-kerak-17-10-2019>
5. <http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2095311915611741>